

ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ШАРТНОМАСИ № ZN/8785533826

21 «12» 2022 yil.

2022 йил "22" декабр

183-5-76-МО/2022-son

Учкудук тумани

«SECURITY SYSTEMS NAVOIY» масъулияти чекланган жамияти (кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар **С.У. Худойбердиев** ҳамда иккинчи томондан **Учкудук туман ҳокимлиги Молия бўлими** ("Буюртмачи" деб юритилади) номидан Низом асосида фаолият юритувчи раҳбар **Ж.Бобомуродов** ушбу шартномани куйидагича туздилар:

1.1. Ушбу шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"нинг буюртмасига асосан хизмат курсатади. "Буюртмачи" эса ушбу курсатиладиган хизматларни белгиланган тартибда қабул қилиб олади.

2. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ.

1.1. "Бажарувчи"нинг мажбуриятлари:

Ишни ва унга оид ҳужжатларни ушбу шартнома шартлари асосида "Буюртмачи"га сифатли ва ўз вақтида топшириш.

"Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

1.2. Ишни 3 кун муддатда кўздан кечириш. Ишнинг мазкур шартнома талабларига мос келмаслиги аниқланган тақдирда, "Буюртмачи" шу муддатда "Бажарувчи"га аниқланган номувофиқлиқлар ҳақида маълумотномаларни акс эттирувчи хабарнома (рекламация) юборади.

Шартномада белгиланган баҳода иш ҳақини тўлайди.

3. ШАРТНОМА СЎММАСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ.

3.1. Мазкур шартнома сўммаси - **8 000 000 (саккиз миллион)** сўмни ташкил этиб, Ишнинг хар бирлиги учун сўмда ҳақ тўланади.

3.2. Мазкур шартнома бўйича ҳисоб-китоблар пулни кўчириш йўли билан олдиндан 30% тўлаш, қолган қисмини Иш қабул қилинган кундан бошлаб 3 кун давомида тулаш йўли тўлаш, қолган қисмини йўли билан амалга оширилади.

3.3. "Бажарувчи"нинг айби билан "Буюртмачи" ишни кўздан кечириш имкониятига эга бўлмаган тақдирда, у иш ҳақини тўлашни кечиктиришга ҳақли.

4. ИШНИ ТОПШИРИШ ШАРТЛАРИ.

4.1. Иш бажарилгандан сўнг, "Бажарувчи" ва "Буюртмачи" топшириш-қабул қилиш далолатномаси тузиб имзолайди ва муҳрланади.

4.2. Таъмирланган оргтехника тасодифан нобуд бўлиши ёки тасофидан шикастланиши хавфи иш топширилган пайтдан бошлаб "Буюртмачи"га ўтади.

4.3. Ишни топширишдан бошлаб, келишилган муддатга қадар "Буюртмачи" сифатига кафолат беради ва алмаштир ишни ўз зиммасига олади.

4.4. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ иш бажарилган жойидан топширилади.

5. ШАРТНОМАНИ АМАЛ КИЛИШ МУДДАТИ.

5.1. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, Учкудук тумани буйича Ғазначилик бўлинмасидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва 2022 йил "31" декабргача амал қилади.

6. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ.

6.1. Ишни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва 20% миқдорда жарима тўлайди:

6.2. Тўловни кечиктирилганлиги учун "Буюртмачи" "Бажарувчи"га ҳар бир кечиктирилган кун учун, тўловни кечик-тирилган қийматининг 0,5% миқдорида, лекин ушбу сўмманинг 50%дан ошмайдиган миқдорда тавон (пеня) тўлайди.

6.3. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

Ушбу шартномани муддатидан олдин бекор қилганлик учун тарафлар шартнома сўммасининг 2% миқдорида жаримавий неустойка тўлайди.

Мазкур шартномада назарда тутилмаган тарафларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

7. НИЗОЛАРНИНГ ҲАЛ КИЛИШ.

Ушбу шартнома юзасидан тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низо ва зиддиятоар тарафлар ўртасида ўртасида музокоралар олиб бориш йули билан ҳал этилади.

Музокоралар олиб бориш йули билан низо хал этиш имконияти бўлмаган тақдирда низо талабнома билдириш тартибига риоя қилинганидан кейин иқтисодий судига куриб чиқиш учун топширилади.

8. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ.

8.1. Томонларнинг хошиш - истагига мутлақо боғлиқ бўлмаган ҳолларда (Нокулай об-ҳаво шароитлари, зилзила, сув тошқини ва бошқа табиий офатлар (форс-мажор) туфайли бажарилмаган ёки қисман бажарилмаган (етказиб берилмаган ёки тулаб берилмаган)лиги, шартнома шартларини ижро этиш бузилган деб ҳисобланмайди ушбу ҳолатда томонларни шартномани бажариш муддати келишилган муддатга кечиктирилади.

9. ТАРАФЛАРНИНГ КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ БЎЙИЧА МАЪСУЛИЯТИ.

9.1. Тарафлар шартнома шартларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги қонун талабларига сўзсиз амал қилади.

9.2. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни ўз зиммасига олган ҳолда, ушбу шартнома доирасида қонун бузилишга олиб келадиган ҳаракатлар(ҳаракатсизлик)га йўл қўймайдилар.

9.3. Тарафлар Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги амалдаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш баробарида қуйидагиларга йўл қўймаслик мажбуриятини оладилар:

- пора бериш, шунингдек ушбу жинойтга воситачилик қилиш;
- товламачилик, ёки бошқа ноқонуний йўллар билан пора олишга ундаш;
- пора олишга бевосита ёки билвосита розилик бериш.

9.4. Тарафлар, уларнинг вакиллари ва ходимлари рағбатлантиришнинг ҳар қандай шаклини рад этадилар. жумладан:

- тарафларнинг ходимлари ёки вакилларида пул маблағлари олиш, совғалар бериш, уларга бепул хизматлар кўрсатиш ёки ишларни бажаришни ушбу ҳаракат(ҳаракатсизлик)ни амалга оширган ходим ёки ваколатли вакил уни рағбатлантирадиган томон фойдасига ҳар қандай ҳаракатни бажаришни.

9.5. Тарафларга шартнома шартларини амалга оширишда сунъий равишда иккинчи тарафга ноқулайликлар туғдириб, коррупциявий омил пайдо бўлишига бевосита ҳамда билвосита сабабчи бўлиш тақиқланади.

9.6. Агар шартнома тарафлари томонидан шартнома шартларига риоя қилмаслик ёки ушбу шартларнинг бузилиш ҳолатлари содир бўлган ёки содир бўлиши мумкин деб гумон қилинганда шунингдек, шартноманинг 5.1-бандида белгиланган қоидалардан бири содир этилганда ушбу ҳаракат содир этилганлиги юзасидан иккинчи томонни хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади ҳамда шартнома шартлари ёки қонун бузилишининг инкор этилмайдиган далиллари мавжуд бўлганда, шартнома тарафлари Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ваколатли давлат органларига мурожаат қиладилар.

10.БОШКА ШАРТЛАР.

10.1.Шартнома тарафларнинг узаро келишувига мувофиқ ёки бир тараф шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда иккинчи тарафнинг талаби билан фақат иқтисодий судининг қарорига биноан бекор қилиниши ва ўзгартирилиши мумкин.Шартномани бир тарафлама бекор қилиш ёзма таклиф бериш йули билан амалгаоширилади. Таклиф олингандан сўнг 30 кунлик муддат ичида унга жавоб олинмаган тақдирда шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

10.2.Тарафлар узларининг юридик манзиллари ва бошқа реквизитлари узгарганлиги ҳақида бир-бирларини 3 кунлик муддатда хабардор қилишлари шарт.

10.3.Шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар ёзма равишда бажарилган ва тарафларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳолдагина ҳақиқийдир.

Шартнома икки нусхада тузилган булиб, иккаласи ҳам бир хил юридик кучга эга ҳисобланади ва тарафларга бир нусхадан берилади.

Шартномага иловалар унинг ажралмас қисмини ташкил этади.

10.ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

"Бажарувчи" «SECURITY SYSTEMS NAVOIY»	"Буюртмачи"
--	-------------

МЧЖ

Юридик манзилгоҳ: Навоий ш.
Меъморлар кучаси 25 -2

ТЕЛ: 973207009

ШХ/Р: 20208000205276038001

Банк номи: «Ипакйули» АИТ БАНК
Навоий ш. филиали

Банк коди: (МФО) 00199

ИНН: 307710194

Рахбар

М.У



(имзо)

Учкудук туман хокимлиги МОЛИЯ
булими

Юридик манзилгоҳ: Х.Дустлиги 32
уй

ТЕЛ: 79-593-10-

10

ШХ/Р:

100022860122487011312092002

Банк номи: Марказий банк Тошкент ш
ХККМ

Банк коди: (МФО) 00014

ИНН: 200011044

ХХТУТ: 00001

Молия вазирлиги Ғазначилиги

ИНН: 201 122 919

Х.Р:2340 2000 3001 0000 1010

Рахбар:

М.У

Ж.Бобомуродов
(имзо)

Юридик хулоса:

Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Қонуни талабларига мувофиқ тузилган

Юрисконсулт:

»202

й.



Hujjat elektron raqamli imzo orqali imzolangan.
Elektron raqamli imzoning haqiqiyiligini tekshirish uchun QR
Code ni skanerlang.

Imzolovchi F.I.SH.	JASUR BOBOMURODOV MUXTOROVICH
Imzolangan sana	21.12.2022 18:05
Hujjat kodi	ZN8785533826
Hulosa kodi	ZD3312464088

1. Tashkilotning nomi va manzili
2. Loyihaning nomi va mazmuni (shartnomma № 785533826)
3. Ishni bajarish uchun zarur bo'lgan hujjatlar ro'yxati (ucholduq
TUMAN HUKUMATI BILAN) ro'yxatidan 21.12.2022 yilda kiritilgan.
Loyihani amalga oshirish uchun zarur bo'lgan hujjatlar ro'yxati va imzo qo'yilgan
hujjatlar ro'yxati.

Ucholduq tuman
yuridik markazi
bosh yuristikonsult



UCHOLDUQ
21.12.2022

**YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO‘G‘RISIDA HUQUQIY
XULOSA**

ZD3312464088

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Xizmat ko`rsatish shartnomasiZN8785533826**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: UCHQUDUQ TUMAN MOLIYA BO'LIMI tomonidan 21.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Uchquduq tuman
yuridik markazi
bosh yuristkonsulti:**



I.I.ODILOV

21.12.2022